

**«ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ
МОҲИАТИ» мавзусидаги**

МАЪРУЗА

Маърузачи:

Ғ.Дусмуратов

Тошкент– 2020

I-мавзу. ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ

- Режа

1. Агросаноат мажмуида инновацион фаолиятнинг мақсади, вазифалари ва мазмуни
2. Инновацион фаолиятнинг иқтисодий, ҳудудий ва тармоққа оид жиҳатлари.

- **1.1. Агросаноат мажмуида инновацион фаолиятнинг мақсади, вазифалари ва мазмуни**
-
- XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI асрнинг бошларида иқтисодий назария тадбиркор, фирма ва давлатни инновация жараёнининг алоҳида унсурлари сифатида таърифлашдан уларга мураккаб тизимнинг ўзаро боғлиқ бўғинлари сифатида қарашгача бўлган мураккаб йўлни босиб ўтди. Айти пайтда бу тизим инновацияларнинг асосий манбаси сифатида фан, университетлар ва илмий марказлар билан чекланган ёпиқ тизим эмас, балки миллий давлатлар доирасида, хўжалик тармоқларида ва йирик корпорациялар ҳамда кичик компанияларда юз бераётган иқтисодий жараёнларга уйғунлашган тизим эканлиги чуқур англаб етилди.

- Ўтиш даврида инновация қуйидаги тармоқларга бўлинди: ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-бошқариш, ишлаб чиқариш, бозор, истеъмол-тақсимлаш ва бошқалар. Инновациянинг ўзига хос хусусиятларини намоён этувчи ушбу тармоқларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида ўрганишни талаб қилади. Масалан, ижтимоий-иқтисодий йўналиш бўйича халқ хўжалиги шаклланишидаги, шу жумладан, агросаноат мажмуасидаги ўзгаришлар айрим ҳолатда тадқиқ этилмаса, бу жараён моҳиятини англаш қийин.
- Бошқарув инновациясини ташкилий-бошқарувнинг аниқ фаолияти, дейиш мумкин. Бунда аниқ мақсадга эришиш учун иқтисодиёт ундаги бугинги ўзгаришларгагина қараб эмас, балки олдинги, ҳозирги, келажакдаги жараёнларни ҳисобга олиб бошқарилади. Бунинг учун бошқарув объекти ўтган даврдаги ўзгаришлардан келиб чиқиб такомиллаштирилади.

Республикамиз агросаноат корхоналарининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича тажрибаси шуни кўрсатадики, улар ҳар хил истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва ўз фаолияти самарадорлигини ошириш имкониятларига эга. Мисол учун, хўжалик пахта хом ашёсини, донни (буғдой), мева-сабзавот, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлашда таъминотчилар, маҳсулотлар бозорида тайёр маҳсулотни таклиф этадиганлар ва рақобатчилар билан муносабатда бўлади. Тайёр маҳсулотни чиқаришда корхоналар олдидаги биринчи вазифа меҳнат ресурсларидан, моддий-техника воситалари ва молиявий воситалардан самарали фойдаланиш, баҳонинг фойда-дан устунлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш ҳисобланади.

- Тошкент шаҳридаги бозорларда ўтказилган тадқиқот натижалари кўрсатадики, бизга Хитой, Эрон, Туркиядан узум ва бошқа турдаги мева-чевалар олиб келинмоқда. Шунинг ҳам айтиш керакки, келтирилган меваларнинг, хусусан, Хитой ва Эрондан келтирилган олма ва нокнинг солиштирма баҳоси ўзимизда етиштирилаётган шундай маҳсулотлар нархларига 1,5-2 баробар юқори.
- Сабзаёт турлари таҳлилининг тавсифи қуйидагича:
- Мева-сабзаёт маҳсулотлари импорти ҳажмини ошириш бир томондан, озиқ-овқат танқислигининг олдини олади, иккинчи томондан, фермерлар даромадига таъсир этади; шунингдек, ички бозор муҳофазаси даражасини пасайтиради, Айни пайтда маҳсулот экспорти учун янги иш жойлари ташкил қилинишига имконият очилади.

- Ривожланган мамлакатларда давлатнинг муҳим вазифаларидан бири – тадбиркорлик секторининг инновация фаолияти учун қулай шароитлар яратишдир. Ушбу вазифани амалга ошириш мақсадида иқтисодий ва бюджет сиёсатининг қуйидаги чора-тадбирларидан фойдаланилади:
 - – хусусий секторнинг ИР бўйича харажатларини маҳсулот таннархига қўшиш;
 - – илм-фан ускуналарининг маълум қисмини тезлаштирилган амортизация меъёрлари бўйича ҳисобдан чиқариш;
 - – йирик корпорацияларда умумий харажатлар ҳажмларини доимий тарзда ўстириб боришга йўналтирилган манзилли солиқ имтиёзлари тизимини қўллаш ва янги технологиялар соҳасидаги инновация фаолиятига кичик ва ўрта бизнесни жалб қилиш;
 - – илмий-техника ишланмаларини имтиёзли кредитлаш ва йирик лойиҳаларни улушли молиялаш, венчур молиялашни ривожлантириш учун институтционал шароитларни яратиш;

- **1.2. Инновацион фаолиятнинг иқтисодий, ҳудудий ва тармоққа оид жиҳатлари**
- Ўзбекистонда янги турдаги инновация тизимини шакллантириш эндигина бошланмоқда, аста-секинлик билан замонавий инновация тузилмалари юзага келмоқда. Улар тижорат томондан қулай бўлган инновация лойиҳаларини ишлаб чиқмоқдалар. Уларни молиялаш учун иқтисодий томондан мувафаққиятли компаниялар жалб қилинмоқда. Бир вақтнинг ўзида кўп илм талаб қилувчи бир қатор ишлаб чиқаришлар глобал технологик маконга бирлашмоқда. Бироқ ушбу жараёнлар аниқ тусга эга. Сабаби – ҳозиргача ўта муҳим бўлган масала, яъни мамлакатни экспортга йўналтирилган «хом ашё» ўсишидан инновациялашга ўтиш масаласидир. Бу ўринда корхоналарнинг вертикал ва горизонтал бирлашуви масалаларига тўхталиб ўтиш ўринли деб ҳисоблаймиз. Бунда бирлашиши жараёнлари инновация жараёни доирасини сезиларли тарзда кенгайтириш имконини беради.

- Корхоналарнинг вертикал бирлашуви иқтисодий жараёни (бунда инновацион) бир ташкилий шаклдан иккинчи ташкилий шаклга ўтиш усули ҳисобланади. Фирмани кенгайтириш (технологик «занжир» бўйича) муносабатларни нарх ёрдамида тартибга солиш сифат ёрдамида тартибга солиш билан алмаштирилишига олиб келади.
- Бунда фирма вертикал-бирлашувда ишлаб чиқарувчи ҳаракатланадиган белги ўзгаради. Хўжалик субъекти нархга қараб, фойдани максималлаштиришга ҳаракат қилмайди, балки марказдан сон шаклини олувчи кўрсатмаларни ушбу тарзда ташкил қилиш талаб этилмайди. У фақат унитар тузилма шароитида тўғри бўлади.
- **Коузнинг** машҳур таърифида иккита камчилик (фирма иқтисодий тизимида ички трансакцияларини кам харажатлар билан тақшил этиши мумкин бўлса ва ушбу харажатлар трансакция бозорда амалга оширилгандагига паст бўлса) бор.

- Ушбу ҳолатда «фирма» тушунчаси биринчидан, унитар корхона билан чегараланади; иккинчидан, замонавий фирма нафақат вертикал жараёнда (технологик «занжир» бўйлаб) ташкил бўлади, балки горизонтал интеграция (ўхшаш маҳсулотни ишлаб чиқариш)да ҳам ташкил бўлиши мумкин. У ҳам «принципиал – агент» алоқаси мавжуд бўлишини тақозо қилади. Мулкнинг расмий муносабати интеграллашиш учун ягона асос ҳисобланмайди. Хусусан, республикамизда ўз вақтида компанияларнинг схемалари, бартер занжирлари, ахборот, кредит, бошқарув ва бошқа ресурсларни олиш қулайлиги асосида бир-бирига қарам бўлиши характерли эди. Бунда назорат қилиш ҳуқуқини қўлга киритган хўжалик субъекти олдинги ўринга чиқади.

**E'TIBORLARINGIZ UCHUN
RAHMAT!**